*Касаба уюшма кутубхоналарида*

# ЭНГ КАТТА ХАЗИНА

**Яқинда бир танишим билан баҳслашиб қолдик. Ўзи олий маълумотли мутахассис. Яхшигина оила бошлиғи. Суҳбатимиз китоб ва унинг инсон маънавий дунёсига таъсири ҳақида бўлди.**

Ҳамсуҳбатимнинг китоб ҳақидаги фикрларини эшитиб, унга гап ўқтириб бўлмаслигини сездим. Китоб ўқимайдиган, «тирикчилик» йўлига тушиб кетган шеригим билан гапимиз умуман қовушмаслигини ич-ичимдан сезиб турардим.

Дарҳақиқат, билимга чанқоқ ҳамда китоб ўқиб юрган киши билан гаплашиб қолгудек бўлсангиз, дунёқарашининг кенглиги ҳамда тафаккурининг теранлигидан дилингиз яйрайди. Бундай кишилар ўзларининг феъл-атвори ҳамда юриш-туришлари, муомаласи билан дилингизга ажиб бир ёғду олиб киргандек бўлади.

Шуларни эсларканман Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги кутубхона ёдимга тушди. Бу ерга китобга ихлос қўйган меҳнаткашларнинг тез-тез келиб туришлари ҳамда китобга муносабатлари ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди. Бу зиё маскани яна озодалиги ва шинамлиги, ходимларининг хушмуомалалиги билан диққатингизни тортади.

- «Уйқу келмас кечалар»ни ўқимоқчиман, - дейди кутубхонага ташриф буюрган йигит. - Яна биров буюк адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ини сўрайди. Барча истак зум ўтмай қондирилади. Китобхонлар орасида пўлат эритувчи, прокатчи, қурувчию, энергетик ва бошқа касбдаги кишиларни учратиш мумкин.

- Бўш қолдим дегунча кутубхонага йўл оламан, - дейди пўлат эритиш цехининг ишчиси Анвар Зийнатулин. _ Чунки ўзимни китобсиз тасаввур эта олмайман. Яхши асар қўлимга тушиб қолса ҳатто тунлари ухламасдан бўлса ҳам ўқиб чиқаман. Ахир китоб бу бир дунёки, унда олам ҳикматлари мужассам.

Комбинатнинг биринчи навли прокат цехи ишчиси Баҳодир Мақсудов ҳам бадиий адабиётга кўнгил қўйганлардан.

- Кутубхонасиз, китобсиз ўтган кунни тасаввур қила олмайман, - дейди у. - Яқинда севимли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг «Сайланмаси» ҳамда Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» асарларини ўқиб чиқдим. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тоҳир Малик каби ёзувчи ва шоирларимизнинг асарларини ҳам севиб мутолаа қиламан. Мана бугун ёзувчи Шуҳратнинг «Олтин зангламас» асарини олдим. Афсуски, баъзилар бўш вақтларини бўлмағур нарсаларга сарфлашади. Мен айнан шундай кишиларга кўпроқ китоб ўқишни тавсия этган бўлардим.

Китобхонлар билан суҳбатлашаяпману, хаёлимдан китоб мутолаа қилиш, ўқиганлар асосида фойдали хулоса чиқариш, билимни ошириб бориш ҳаётнинг ойдин йўли эканлигига яна бир бор тан бераман.

- Кутубхонамизни доимий равишда янги бадиий адабиётлар билан бойитиб бораяпмиз,- дейди мудира Дилрабо Хожибоева. - Яқинда Тошкентдаги «Шарқ зиёкори» дўконидан 800 минг сўмлик янги асарлар сотиб олдик. Китоб жамғармамиз 15 мингдан ошиб кетди. Китобхонларимизнинг кўплари янгиликка ўч, маърифатли ҳамда юксак маънавиятли кишилардир.

Комбинат маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси кутубхона ишини яхшилаш учун барча чораларни кўрмоқда. Шу саъй-ҳаракатлар натижасида китоб ишқибозлари сони 1100 нафардан ошиб кетди. Кутубхонада ижодий кечалар, учрашувлар ҳамда баҳс-мунозаралар ўтказилмоқда. Шунингдек, комбинат цех ва бўлинмаларидаги касаба уюшма қўмиталари кўчма кутубхоналар ташкил этишмоқда. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш, иккинчи навли прокат цехларида бу иш жуда яхши йўлга қўйилган. Бунда кутубхоначи М.Усмонованинг ҳам хизматлари катта.

Ҳа, китоб - бу ёруғ бир олам. Унинг маънавий неъматларини татиб кўриб, доимий равишда унга ошно бўлиш эзгуликка етаклайди. Шу боисдан бу ҳақда ҳар бир корхона, ташкилот, муассасадаги касаба уюшма қўмиталарининг етакчилари Бекобод металлургия комбинатининг кутубхонасидан ибрат олишса айни муддао бўларди.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Қутлуғ ишлар маҳалладан бошланади. Шу боис ҳукуматимиз маҳаллаларга бўлган эътиборни тобора кучайтирмоқда.

– Туманнинг «Маданият» маҳалласи 4-тор кўчасида яшайман, - дейди ўттиз йил болаларга тил ва адабиёт фанидан дарс берган Малика Мамадалиева. – Энг асосийси, маҳалламиз тинч. Қўшнилар билан аҳил яшаймиз. Бир-биримизга қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз. Маҳалла фарзандлари – бизнинг фарзандларимиз.

**Суратда: Сирғали туманининг «Маданият» маҳалласи аёллари**

**С.ЎРМОНОВ**
**(ЎзА) олган сурат**



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## ИСТИҚЛОЛГА ТЎЁНА

Ўзбекистон бадиий академияси кўргазмалар залида ҳазорасплик рассомлар кўргазмаси очилди. Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган ушбу кўргазманинг очилиш маросимида кўплаб зиёлилар, ёшлар, шунингдек халқ шоири Омон Матжон, халқ рассомлари Рўзи Чориев, Тўра Қурёзов ва бошқалар иштирок этишди.

– Биз кўплаб рассомлар ижодига бағишланган кўргазмалар ташкил этганмиз. Бугунги тадбиримиз олдингиларидан шуниси билан алоҳида ажралиб турибдики, бунда мамлакатимизнинг энг чекка туманларидан бири, Ҳазораспда яшовчи мусаввирлар ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда, – дейди Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев. – Бу келгусида уларга катта куч ва илҳом бағишласа, ажабмас.

*Тасвирий санъат*

Кўргазмага 28 нафар рассомнинг мингдан ортиқ асарлари қўйилган. Уларнинг аксарияти тарихий мавзуга бағишланган. Рассомлардан Қурамбой Матмуродов, Ҳамза Рўзметов, Даврон Отамуродов, Рўзимбой Оллоёров, Рўзимбой Ваисов, Қурамбой Бекчонов, Бахтиёр Рўзиматовлар маҳорати билан сайқал топган суратлар дастлабки кундаёқ томошабинларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, ҳозирда лицейларда сабоқ олаётган ёш рассомлар асарлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, Жўшқин Полвоновнинг «Шеърхон синглим» ва «Онам сурати» каби асарлари томошабинлар эътиборини ўзига жалб қилди.

Бундан ташқари кўргазмадан модерн услубида ва миниатюра жанрида яратилган асарлар ҳам ўрин олган. Бу Ҳазораспдек мамлакатимизнинг чекка туманларида ҳам дунёвий тасвирий санъат ривожланаётганлигидан далолат беради.

**Даврон РАЖАБ**

## БОКСЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

«Шаҳрисабз консерва» очиқ акциядорлик жамияти ёрдами билан ўтган йили Қаршида замонавий спорт мажмуаси ишга туширилган эди. Бу ерда уч юздан зиёд ўғил-қиз спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва бокс турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ёшлар орасида, айниқса, боксга қизиқиш ортиб бормоқда. Тўгарак аъзолари орасидан иқтидорли боксчилар етишиб чиқяпти. Буни Рустам Эргашев ва Акмал Бозоров шу йил ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакатимиз кубоги ва халқаро турнир ғолиблигини қўлга киритганидан билса бўлади.

## БОҒДА СПОРТ МАЙДОНИ

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги маданият ва истироҳат боғида кураш майдони бунёд этилди. У ҳашар йўли билан қурилди.

Дам олиш кунлари бу ерда миллий кураш ихлосмандлари беллашувлари ўтказилади. Барча андижонликлар каби хўжаободликлар учун ҳам кураш фақат спорт машғулоти эмас. Боғда кураш - дам олишнинг ўзига хос тури, бу ерда суҳбат қурилиб, аскиябозлар мусобақалари ҳам қизийди.

Майдон бир ярим минг томошабинга мўлжалланган. Бу ерда дзюдо, каратэ, таэквондо - ёшлар орасида тобора оммалашиб бораётган спорт турлари бўйича турнирлар ўтказиш мумкин.

*Бу турфа олам*

## ҲАМ ТЎЙИМЛИ НОН, ҲАМ ЎТКИР ЗАҲАР

Доминика оролида яшовчи Аравак ҳинди қабиласи Маниоқ деган заҳарли бута илдизидан тўйимли нон тайёрлашади. Бунинг учун бута илдизи ковлаб олинади ва майдалаб ундан бўтқа олинади. У халтачаларга солиниб, бир томчи сув қолмагунча яхшилаб эзилади. Ҳосил бўлган юмшоқ хамир сопол идишларга жойланиб, оғир тош остига бостириб қўйилади. Тайёр хамирдан керак пайтда кулчалар ясаб ўтга тутилса тезда аравакларнинг касаба деб номланган нони тайёр бўлади. Бўтқадан сиқиб олинган ширали сув жуда эҳтиёт қилинади, чунки бу жуда заҳарлидир. Шунинг учун ҳам араваклар ширали сувни бир оз қайнатиб қуюлтиришади ҳамда камон ўқи ва найзаларнинг учига суркаб овда фойдаланишади.

Шунингдек, ўсимликнинг илдиз ширасини кулбаларининг устунларига суртиб, ҳар хил заҳарли ҳашаротларга, айниқса, қир чумолиларига қарши ишлатишади.

## АЖАБТОВУР СТРАФОНТУС

Фақат тропик мамлакатларда учрайдиган заҳарли ўсимликлардан бири страфонтусдир. Страфонтус ўзининг ўткир заҳари билан узоқ вақтлар инсонлар ва ҳайвонларнинг ўлимига сабабчи бўлиб келган. Бу ўсимликнинг сири фош этилгунча кўплаб инсонлар ҳалок бўлганлар.

Страфонтус – Лиана. У тропик ўрмонларда дарахтга чирмашиб ўсади. Африкада яшайдиган қабилалар узоқ ўтмишдан буён ундан турли мақсадларда фойдаланиб келганлар. Ўсимликнинг заҳарли эканлигини билган ерли халқлар унинг мева ва қобиғидан олиб ўқ-ёй ва найзаларининг учига қўйиб, ўз душманларига қарши курашда фойдаланганлар.

1853-1856 йилларда Африка қитъасини текширишга отланган Левингстон экспедициясида қатнашган доктор Кирк бу заҳарли модда билан қизиқиб маҳаллий ўқ-ёйларни йиғиб юрган. Кирк йиғган коллекциясини бир жойдан иккинчи жойга кўчираётганида тиш чўткасини қўшиб қўйган. Кейинчалик бу тиш чўткасидан фойдаланганда юрагининг одатдагидан тез ураётганини пайқаган. Доктор бундан тезда хулоса чиқарган. Кирк томонидан Европага келтирилган страфонтус ўсимлигини таркиби кўпгина олимлар, кимёгарлар, врачларни қизиқтириб қолади. 1856 йилда Петербург Фанлар академиясининг профессори хирург Е.П-.Пеликан бу ўсимликни батафсил ўрганади. Шотландиялик фармоколог Фразер эса страфонтус ўсимлигидан ўз даврида юрак касалликларини даволашда ишлатиладиган стафантик деган актив модда ажратиб олади.

**Дилшод КАМОЛОВ**

## «ЧЕЛЛЕНЖЕР» - САМАРҚАНДДА

«Челленжер» халқаро теннис мусобақаси бошланди. Унда АҚШ, Россия, Украина, Қозоғистон, Аргентина, Австрия, Греция, Италия, Сербия каби йигирмага яқин давлатдан келган ракетка усталари иштирок этмоқда.

Россиялик Андрей Столяров, голландиялик Роже Жан Жульен, ўзбекистонлик Олег Огородов сингари жаҳон теннис таснифида юқори поғоналардан жой олган спортчиларнинг иштирок этаётгани эса ушбу мусобақанинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолат беради.

Барча қулайликларга эга «Динамо» теннис кортида ўтаётган ушбу мусобақаларда юртимиздан О.Огородов, В.Куценко, Ў.Эшматов, С.Икромов ва Д.Исаев асосий баҳсларда кортга тушади.

Йигирма беш минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот жамғармасига эга ушбу теннис турнирининг ғолиби бугун маълум бўлади.

## КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Наманганда бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Малайзия, Ҳиндистон ва Сурия чарм қўлқоп усталари иштирок этишди.

Рингдаги жанглар мамлакатимиз терма жамоасининг энг кучли спортчиларини аниқлаб берди. Улар халқаро майдонларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Финал баҳсларида тошкентлик Б.Набиев, Ж.Жўраев, Ж.Матчонов, наманганлик Б.Нуритдинов, Н.Ғуломов, Н.Азимов, фарғоналик О.Мамажонов, У.Бўрибоев, жиззахлик А.Умаров ҳамда ҳиндистонлик боксчи Акил Кумар ғалаба қозонди. Турнир ғолиблари спорт устаси унвонига сазовор бўлди.

**(ЎзА)**

## НАВОИЙНИНГ БИЛИМДОН БОЛАЛАРИ

Навоий қурилиш касб-ҳунар коллежида ишлаб чиқариш тармоқларига мутахассис қурувчи ёшлар тайёрлаш тобора яхшиланиб бормоқда. Бунда коллежда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилгани, ўқув даргоҳи янги жиҳозлар, ахборот технологиялари билан таъминланиб борилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган ўқув йилида Корея давлати кредити ҳисобидан 24 дона «PAFF ZINGER» маркали тикув машиналари олинди, 4 та лингафон, 2 та компьютер синфлари ҳамда автомобилларни таъмирлаш устахонаси, телемарказ ишга туширилди. «Отойўл» ва «Дамас» автомашиналараи олинди. Коллеж қошида ташкил этилган курс битирувчилари илк бор гувоҳнома олдилар.

Ўқув жараёнини бевосита амалиёт билан боғлаш мақсадида коллеж қошида «Навоийазот» ҳиссадорлик жамиятининг лабораторияси ишлаб турибди. Бу лабораторияда ўқувчилар юқори босимли ва паст босимли компрессорларни ишлатиш, атроф муҳитнинг ҳар хил кимёвий моддалардан сақлаш бўйича заводда тажриба машғулотлари ўтказишмоқда. Қўриқлаш, ёнғин алоқаси ва сигнализация тизими жиҳозларини ишлатиш мутахассислиги бўйича ўқиётган ёшлар вилоятдаги ўт ўчириш ва қўриқлаш бошқармалари билан яқин алоқада бўлишаяпти.

Коллеж ўқувчилари шаҳар, вилоят ва ҳатто республика илмий анжуманларида муваффақиятли қатнашишмоқда. Талабалардан бири «Ёш ихтирочилар» республика кўрик-танловида II ўринни эгаллади.

Ўқув масканида бюджетдан ташқари маблағ топишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Компьютер саводхонлиги», «Лотин алифбосини ўрганиш» бўйича ташкил этилган тезкор курслардан, дурадгорлик цехидан 450 минг сўмдан ошиқ маблағ туширилиб, улар ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда. Айниқса, боқувчисини йўқотган 6 нафар болалар уйи тарбияланувчилари доимий диққат марказда турибди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**Ишонч мухбири**

*Ним табассум*

## ОЁҒИМДАН КЎТАРИБ ЮБОР

Афанди боққа узум ўғриликка кирган эди, боғбон келиб қолди. Ундан қочиш мақсадида у деворга осилиб туриб, деди:

- Кел, биродар, оёғимдан кўтариб юбор!

## ДАМ ОЛАМАН

Афанди бир юмуш билан кетаётганди. Кун жуда исиб кетиб, бир дўконга кириб ўтирди. Боққол:

- Ҳа, Афанди, нима оласиз? - деган эди Афанди боққолга қараб:

- Дам оламан! - деди.

## УЗАЙГАН КУН

Афанди мактабда ўқирди. Домласи бир куни ундан сўради:

- Насриддин! Кун неча соат?

- Йигирма беш соат, - деб жавоб берди. Афанди яна бўш келмади. - Кеча, кун бир соатга узайди, деб айтмадингизми? - деди Афанди.

## ХОҲЛАНГ ШАПАЛОҚ ЕНГ

Афанди бировнинг боғига мева ўғриликка тушиб, дарахтларига қараб:

- Мулла Насриддин! Хоҳланг гилос енг, хоҳланг ўрик, хоҳланг шафтоли енг, - деб турган эди, орқасидан келиб қолган боғбон Афандининг қулоғи остига шапалоқ тортиб юборди.

Афанди эса:

- Хоҳланг шапалоқ енг, - деди ва боғдан чиқиб кетди.

## МАЛОЛ КЕЛГАН БЎЛСА

Афанди боққа узум ўғриликка тушди. Тўйиб егандан сўнг, саватини тўлдириб, девордан ошмоқчи бўлиб турганда, боғбон келиб қолди ва деди:

- Афанди, девор ошиб, бировларнинг боғига тушгани уялмайсизми?

Афанди жавоб берди:

- Мен сизнинг бунчалик хафа бўлишингизни билмаган эдим. Девордан ошиб тушганим сизга малол келган бўлса, эшикдан чиқиб кета қолай, - дедида саватини кўтариб, эшикдан чиқиб кетди.



# КРОССВОРД

**Қуйида таърифлари баён этилган сўзлар шаклнинг рақамли хонасидан ёйлар бўйича ёзилиб, иккинчи ва сўнгги ҳарфлар қатори кесишади.**

1.Марказий Осиёдаги энг катта пойтахт. 2.Наманган вилоятидаги шифобахш маъдан сувли оромгоҳ. 3.Ҳосил уюми. 4.Қозоғистон жанубидаги вилоят. 5.Қашқадарё вилояти ҳудудидаги газ кони. 6.Ўзбекистон ижодкор адиблари маскани. 7.Чирой, нозиклик. 8.Қора қайинларга мансуб жануб дарахти. 9.Топшириқни тезкор адо этишга бўлган иштиёқ. 10.Эзгуликдан юзага келадиган наф. 11.Илк ҳосил. 12.Ўзбек адиби, «Абулфайзхон» тарихий драмаси муаллифи. 13.Ишлаб чиқариш маскани. 14.Қишлоқ хўжалиги қуроли. 15.Мис кўзача шаклидаги рўзғор буюми. 16.Чорва моллари сўйиладиган корхона. 17.Кузпишар тоғ меваси. 18.Шаҳарнинг мудофаа, мустаҳкам истеҳком девори. 19.Ўзбекистон жанубидаги шаҳар. 20.Масжиднинг азон айтиладиган жойи. 21.Уруғи новвойликда ишлатиладиган бир йиллик ўсимлик. 22.Тошкент вилоятидаги шаҳар. 23.Бинонинг олд томонидаги кўркам қисми. 24.Сайроқи қуш.

**Ф.ОРИПОВ тузди**

### ГАЗЕТАМИЗНИНГ 119-СОНИДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида**: 1.Даъвогар. 2.Тажовуз. 3.Мингбоев. 4.Брифинг. 5.Инфляция. 6.Полиция. 7.Қурултой. 8.Депутат. 9.Ҳалокат. 10.Капитан. 11.Сертификат. 12.Ландтаг. 13.Тўғрилик. 14.Суюрғол. 15.Амнистия. 16.Комвент. 17.Қушбеги. 19.Мустақил. 20.Протест.

**Ёйлар бўйича ўнгга**: 21.Ҳукм. 22.Ўрин. 23.Раҳм. 24.Бола. 25.Сейм. 26.Штат. 27.Шахс. 28.Боис. 29.Олий. 30.Нўён.

**Ёйлар бўйича чапга**: 21.Ҳаёт. 22.Ўлка. 23.Раис. 24.Баҳс. 25.Сулҳ. 26.Шайх. 27.Штаб. 28.Бахт. 29.Одил. 30.Ноиб.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1.Тутқун. 2.Ҳаё. 3.Гашиш.

**Ҳикмат**: Ҳақиқат ҳаётининг қуёши.

Касаба уюшмалари Марказий қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар кенгашлари ЎзКУФК раисининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Мўминович Расуловга акаси

**Маҳамаджон РАСУЛОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

**«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.**

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 1 2 3 4 5 6